

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РИХСИЕВА ЛОБАРХОН МАХМУДЖАНОВНА

**АКСИАЛ СПОНДИЛОАРТРИТДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ
РЕМОДЕЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рихсиева Лобархон Махмуджановна

Аксиал спондилоартритда умуртқа поғонаси ремоделланишининг
клиник-иммунологик жиҳатлари..... 3

Рихсиева Лобархон Махмуджановна

Клинико-иммунологические особенности ремоделирования
позвоночника при аксиальным спондилоартрите..... 21

Rixsiyeva Lobarxon Maxmudjanovna

Clinical and immunological features of spinal remodeling in axial
spondyloarthritis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 44

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РИХСИЕВА ЛОБАРХОН МАХМУДЖАНОВНА

**АКСИАЛ СПОНДИЛОАРТРИТДА УМУРТҚА ПОҒОНАСИ
РЕМОДЕЛЛАНИШИНИНГ КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2023.4.PhD/Tib.4052 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Шодиккулова Гуландон Зикрияевна тиббиёт фанлари доктори, профессор Алиахунова Мавжуда Юсуповна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Таянч-ҳаракат тизими аутоиммун касалликлари узоқ муддатли бўғим синдроми билан намоён бўлувчи ва эрта ногиронликка олиб келувчи касалликлар жумласига киради. Европа антиревматик лига (EULAR) маълумотиغا кўра дунёда «аксиал спондилоартрит (аксСпА) катта ёшдаги аҳоли ўртасида 0,1–1,5% вазиятларда, бўғим касалликлари кесимида 5% гача учраб, ҳасталанишнинг янги ҳолатлари 100000 аҳолига нисбатан йилига 7-14 тани ташкил қилади»¹. Касаллик кўпинча навқирон ёшда пайдо бўлиб, унинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти беморлар меҳнат қобилиятининг йўқолиб бориши натижасида эрта ногиронлик ривожланиши ва уларнинг ҳаёт сифатига жиддий таъсир кўрсатиши билан долзарб ҳисобланиб, тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган муҳим муаммо ҳисобланади.

Дунёда аксСпАнинг патогенетик, клиник-иммунологик хусусиятларини ўрганиш, касалликни эрта ташхислаш ва даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, аксСпА патогенетик ривожланишида интерлейкин 17/23 ўқининг аҳамияти, касаллик даволашда селектив интерлейкин-17 ингибиторлари юқори самарадорлигини ўрганиш, умуртқа поғонасида анкилозни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштириш кабилар ўрганилиб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилаш, аҳоли саломатлигига эътибор қаратишга йўналтирилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан “...аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини, сифатини ва улардан фойдаланиш имкониятини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, касалликларни олдини олиш, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш ҳамда ташхис, даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатишнинг юқори технологик моделларини яратиш...” бўйича вазифалар белгиланган². Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида оилавий шифокорлар ва ревматологлар томонидан кўрсатилаётган тиббий ёрдам ва кўрик ҳамда патронаж тизимини юксалтириш билан бирга аксиал спондилоартритни эрта босқичларда аниқлаш, касалликни самарали даволашга ва ёш аҳоли орасида эрта ногиронлик шаклланишини олдини олиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5590-сонли ПФ, 2020-йил 12-ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари

¹ Bohn, Rhonda et al. “Incidence and prevalence of axial spondyloarthritis: methodologic challenges and gaps in the literature.” *Clinical and experimental rheumatology* vol. 36,2 (2018): 263-274.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4891-сонли ПҚ, 2021-йил 25-майдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5124-сонли ПҚ, 2021-йил 28-июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 5199-сонли ПҚ, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти ижроси муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларнинг ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Сўнгги йилларда дунёнинг ривожланган давлатларида аксСпАни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бугунги кунга қадар жаҳонда аксСпАнинг патогенетик механизмлари ҳақида маълум илмий тушунчалар ишлаб чиқилган: касаллик патогенезида ERAP1, IL-23R, RUNX3 ген ассоциациялари ўрганилган (B. Paul Wordsworth, 2021); аксиал спондилоартритда иммун генларни фаоллигига таъсир қилувчи эпигенетик ўзгаришлар, яъни ДНК метилланишини микроРНК эксперссиясига таъсир қилиши (Min Xiao, 2022); айрим ичак бактериялари ва ичак дисбактериози аксиал спондилоартрит ривожланишида ва касаллик келиб чиқишидаги ўрни ўрганилган (Zi-Yi Song, 2022), замонавий даво воситалари - ген инженер биологик препаратлар касалликни фаоллигини камайтиришда хусусан, умуртқа поғонасида шаклланувчи анкилозланиш жараёнини секинлашишида юқори самарадорлиги аниқланган (S. Ramiro, 2023).

Ўзбекистонда сўнгги йилларда аксСпАни ўрганишга бағишланган қатор илмий ишлар олиб борилмоқда. Улар асосан аксСпАдаги клиник, ёки иммуногенетик, ёки юрак-қон томир бузилишларига бағишланган. Бу ишлар, хусусан, COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартритли беморларда клиник-иммунологик ўзгаришлар, касалликни эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш (Абдурахманова, 2022), COVID-19 ўтказган анкилозловчи спондилоартритли беморларда эндотелиал дисфункция хусусиятлари (Рахимова М.Б., 2023), анкилозловчи спондилоартрит радиографик ривожланишида клиник-иммуногенетик кўрсаткичларнинг ўрни (Саидрасулова Г.Б., 2024); аксиал спондилоартритда суяк минерал зичлигининг ҳолати ва таргет терапия танлаш тамойиллари (Мухаммадиева С.М., 2024); спондилоартритлар билан кечувчи реактив артритда IL17A, IL18 ген полиморфизмлари тарқалиши (Халметова Ф.И., 2024) ва бошқаларни ўрганишдан иборат.

Бироқ, юқоридаги илмий адабиёт манбаларидаги маълумотлар, аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда умуртқа поғонасидаги

тузилмавий ўзгаришлари клиник- патогенетик хусусиятлари, умуртқа ремоделланишининг клиник-рентгенологик таснифи тўлиқ ўрганилмаганлигини тасдиқлайди. Шунингдек, аксСпАни умуртқа поғонасининг суяк-бўғим тузилмаси зарарланишидаги ўзгаришларни башоратлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради. АксСпАда умуртқа поғонасининг анкилозланиши асосан ёш, меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламининг ҳаёт сифатини пасайишига, доимий ногиронлик ва меҳнат қобилиятини йўқолишига олиб келишини ҳисобга олиб, ушбу касалликни эрта аниқлаш, умуртқа поғонасида кечувчи тузилмавий ўзгаришларни башоратлаш ҳамда ўз вақтида даволаш амалий аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг у бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Ички касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги усулларини излаш. Профилактиканинг оқилона усуллари» №011800229 (2022-2025 йй.) номли илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Аксиал спондилоартритга чалинган беморларда умуртқа поғонасида тузилмавий ўзгаришлар ва касалликнинг клиник кечишига суякнинг морфогенетик протеинлари (ВМР-7), 2 тур коллаген С телопептиди (CartiLaps) ва интерлейкин-17А силжиши ҳамда унинг миқдорига кўра даволашни мувофиқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аксиал спондилоартритга чалинган беморларда умуртқа поғонаси зарарланишига кўра касалликнинг клиник белгилари ва кечишини таҳлил қилиш;

аксиал спондилоартритга чалинган беморларда 7-тур суякнинг морфогенетик протеини ва CartiLaps ларнинг умуртқа поғонасида тузилмавий шикастланишига кўра ўзгаришини аниқлаш;

аксиал спондилоартритга чалинган беморлар қон зардобадаги интерлейкин-17 ва унинг 7-тур суякнинг морфогенетик протеини даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

аксиал спондилоартритли беморларнинг қон зардобадаги 7-тур суякнинг морфогенетик протеини, интерлейкин-17 ва CartiLaps ларнинг даражасини умуртқа поғонаси суяк-бўғим тузилмалари зарарланишига ва касаллик фаоллигига боғлиқлигига кўра таҳлил қилиш;

аксиал спондилоартритга чалинган беморларда қон зардобадаги 7-тур суяк морфогенетик протеинининг даражасига кўра даволашни мувофиқлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аксиал спондилоартрит билан оғриган 100 нафар беморлар ва назорат гуруҳини ревматологик анамнезга эга бўлмаган 30 нафар соғлом кўнгиллилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида аксиал спондилоартритнинг клиник кўриниши, яллиғланиш олди цитокинлар кўрсаткичлари, суяк метаболизмининг маркерлари ҳамда сўровнома натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик, рентгенологик, яллиғланиш олди цитокинлари, 2 тур коллаген С телопептиди (CartiLaps), 7-тур суякнинг морфогенетик протеини (BMP-7) концентрациясини аниқлаш ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аксиал спондилоартритда интерлейкин-17А миқдорини ортиб бориши сабабли суяк морфогенетик протеини 7-турининг фаолланиши аниқланган;

аксиал спондилоартритда суяк морфогенетик протеини 7-тури ва 2 тур коллаген С телопептиди (CartiLaps) умуртқа поғонаси тоғай ва суяк тўқимасидаги тузилмавий ўзгаришларга таъсир қилиши сабабли уларни ремоделланиш шаклланишидаги ўрни аниқланган;

аксиал спондилоартритда суяк морфогенетик протеини 7-турининг фаолланиши негизда умуртқа поғонаси суяк тўқимасидаги яллиғланиш жараёнининг авжланиши ремоделланиш ривожланишига олиб келиши аниқланган ҳамда унинг прогностик аҳамияти исботланган;

аксиал спондилоартритда суякнинг морфогенетик протеини 7-турининг даражасига кўра мувофиқлаштирилган давонинг касаллик клиник ремиссияланишини таъминланишидаги ўрни асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

интерлейкин-17 ва 7-тур суякнинг морфогенетик протеини (BMP-7), 2 тур коллаген С телопептиди (CartiLaps) даражасини ўрганиш ёрдамида умуртқа поғонасидаги суяк тузилмаси ўзгаришларини авжланиш даражасини башоратловчи “Аксиал спондилоартритда умуртқа поғонаси ремоделланишининг тезлигини башоратлаш ва даво чораларини мувофиқлаштириш учун дастур” (15.10.2023 дан DGUN№28498) яратилган;

аксиал спондилоартритда умуртқа поғонасининг деструкциясини эрта аниқлаш усули учун рационализатор таклиф ишлаб чиқилган (23.12.2023, №1417);

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида ишловчи оилавий шифокорлар учун турли спондилоартритлар, жумладан аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда эрта ва қиёсий ташхис қўйиш ҳамда беморларни кузатиш алгоритми таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида замонавий усуллар ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларни олинган натижаларга мослиги, ўтказилган текширувларнинг услубий тўғрилиги, беморлар сонини етарлилиги, унга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларини халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан ўзаро мослиги, хотима ва олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий натижалари интерлейкин-17 миқдори ошиб бориши негизда 7-тур суякнинг морфогенетик протеини ва 2 тур коллаген С телопептидларнинг фаоллашуви аксиал спондилоартритда умуртқа поғонасида ремоделланишга ҳамда тузилмавий ўзгаришларга сабаб бўлиши исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларда интерлейкин-17, 7-тур суякнинг морфогенетик протеини ва 2 тур коллаген С телопептидларнинг миқдорига қараб умуртқа поғонаси тузилмавий ўзгаришларни прогнозлашга, даво ва профилактика чораларини эрта бошланиши касалликнинг авжланишини олдини олиш, эрта ногиронлик ривожланишини муддатини узайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга эришилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аксиал спондилоартритни тиббиётнинг бирламчи тизимида эрта ташхислаш чораларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган:

биринчи илмий янгилик: аксиал спондилоартритда интерлейкин-17А миқдорини ортиб бориши сабабли суяк морфогенетик протеини 7-турининг фаолланиши аниқланган ва Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси ревматология бўлими бўйича 15.04.2024 йилдаги 108-сонли буйруқ, 3-сон клиник шифохонаси бўйича 3.04.2024 йилдаги 23-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Тошкент тумани 22-сон ва 75-сон оилавий поликлиникалари бўйича 3.04.2024 йилдаги 315-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: касалликнинг эрта даврида интерлейкин-17 миқдори аниқланиш орқали, суяк морфогенетик протеини 7-турининг фаолланиши башоратланиб, умуртқа поғонасининг ремоделланиши тезлиги аниқланган ва даво чоралари мувофиқлаштирилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аксиал спондилоартритда интерлейкин-17А миқдорини эрта аниқланиши умуртқа ремоделланишини эрта башоратлашга имкон берган ва натижада даволаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш орқали беморларнинг меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва шифохонада даволаниш кунларини камайтириб, ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган. Хулоса: аксиал спондилоартритда беморлар қон зардобидида интерлейкин-17 ни аниқлаш орқали умуртқа ремоделланиш тезлиги башоратланган, бу эса даволаш усулларини мувофиқлаштириб, беморларнинг шифохонада даволаниш кунларини камайтириш, меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: аксиал спондилоартритда суяк морфогенетик протеини 7-тури ва 2 тур коллаген С телопептиднинг умуртқа поғонаси тоғай ва суяк тўқимасидаги тузилмавий ўзгаришларга таъсир қилиши сабабли уларни ремоделланиш шаклланишидаги ўрни аниқланганлиги

бўйича олинган илмий натижалар асосида Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси ревматология бўлими бўйича 15.04.2024 йилдаги 108-сонли буйруқ, 3-сон клиник шифохонаси бўйича 3.04.2024 йилдаги 23-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Тошкент тумани 22-сон ва 75-сон оилавий поликлиникалари бўйича 3.04.2024 йилдаги 315-сонли буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган. *Тиббий ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик суяк морфогенетик протеини 7-тури ва 2 тур коллаген С телопептиднинг эрта аниқланиши асосида умуртқа поғонасининг тоғай ва суяк тўқимасидаги тузилмавий ўзгаришларни тезлигини башоратлашга, даво чораларини мувофиқлаштиришга ва беморларнинг ногиронлигининг олдини олишга хизмат қилган. *Тиббий иқтисодий самарадорлиги:* умуртқа поғонаси тузилмавий ўзгаришларни башоратлаш усули қўлланилиши беморларда стационар давога эҳтиёжликни 70% га камайтирган. Хулоса: аксиал спондилоартритда умуртқа поғонаси тузилмавий ўзгаришларни тезлигини башоратлаш асосида тегишли даво чораларини эрта қўлланилиши беморларнинг ижтимоий фаоллигини узок сақлашга, шифохонада даволаниш муддатини камайтириб, битта бемор ҳисобидан бюджет маблағи тежалишига эришилди;

учинчи илмий янгилик: аксиал спондилоартритда суяк морфогенетик протеини 7-турининг фаолланиши негизида умуртқа поғонаси суяк тўқимасидаги яллиғланиш жараёнининг авжланиши ремоделланиш ривожланишига олиб келиши аниқланган ҳамда унинг прогностик аҳамияти исботланганлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонаси ревматология бўлими бўйича 15.04.2024 йилдаги 108-сонли буйруқ, 3-сон клиник шифохонаси бўйича 3.04.2024 йилдаги 23-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Тошкент тумани 22-сон ва 75-сон оилавий поликлиникалари бўйича 3.04.2024 йилдаги 315-сонли буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган. *Тиббий ижтимоий самарадорлиги:* суяк морфогенетик протеини 7-турининг аниқланиши негизида умуртқа поғонаси суяк тўқимаси яллиғланиш ва ремоделланиш жараёнини прогноزلаш асосида навқирон ёшдаги беморларнинг ногиронлигини олдини олишда ва узок муддат меҳнат қобилиятини сақлаиб қолишига имкон берган. *Тиббий иқтисодий самарадорлиги:* аксиал спондилоартритли беморлар умуртқа поғонасини ремоделланишини башоратлаш асосида, мувофиқлаштирилган даволаш-профилактика тадбирларига комплекс ёндашиш натижасида касаллик авжланиши ҳамда асоратлар ривожланишини секинлаштириш, меҳнатга лаёқатсизлик кунларини камайишига, беморларни даволаш учун сарфланадиган бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни тежаш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: - аксиал спондилоартритда суякнинг морфогенетик протеини 7-турининг даражасига кўра мувофиқлаштирилган давонинг касаллик клиник ремиссияланишини таъминланишидаги ўрни асосланганлиги Ибн Сино номли шаҳар 1-сон

клиник шифохонаси ревматология бўлими бўйича 15.04.2024 йилдаги 108-сонли буйруқ, 3- сон клиник шифохонаси бўйича 3.04.2024 йилдаги 23-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Тошкент тумани 22- сон ва 75-сон оилавий поликлиникалари бўйича 3.04.2024 йилдаги 315-сонли буйруқлари билан амалиётга татбиқ этилган. *Тиббий ижтимоий самарадорлиги:* мазкур илмий янгилик аксиал спондилоартрит билан оғриган беморларни суякнинг морфогенетик протеини 7-турининг даражасига кўра даволаш усуллари мувофиқлаштириш орқали касалликнинг клиник ремиссияланишига эришилган, бу эса беморлар ногиронлигини олдини олишга ва ҳаёт сифатини оширишга имкон берган. *Тиббий иқтисодий самарадорлиги* қуйидагилардан иборат: беморларда клиник ремиссиянинг таъминланиши натижасида шифохонада даволаниш сонини ва кунларининг қисқаришига, ҳар бир бемор учун бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тежаб қолишга имкон берган. Хулоса: касалликнинг клиник ремиссиясига эришиш орқали беморларнинг ижтимоий ҳаётини яхшилаш, ҳаёт сифатини ошириш ва ҳар бир бемор учун бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тежаб қолишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 3 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг ҳажми 100 бетни ташкил этади

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари белгиланган, Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, ишнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аксиал спондилоартритнинг патогенези, ташхислаш ва даволаш ҳақидаги замонавий тушунчалари (адабиётлар шарҳи)”** номли биринчи бобида аксиал спондилоартрит муаммосининг назарий жиҳатлари кўриб чиқилган, илмий маълумотлар

тизимлаштирилган, касалликнинг патогенези, клиник хусусиятлари ҳамда ушбу патологияни даволашни замонавий ёндашувлари ҳақидаги янгича ғоялар баён этилган. АксСпА билан оғриган беморлар умуртқа поғонаси суяк-тузилмасига таъсири тўғрисидаги замонавий адабиёт манбалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Аксиал спондилоартрит билан касалланган беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқотнинг материал ва усуллари”** номли иккинчи бобида тадқиқот материал ва усуллари, беморларнинг клиник тавсифи, тадқиқот дизайни, тадқиқот натижаларига статистик ишлов беришда фойдаланилган усуллар келтирилган. Тадқиқот ишининг асосини аксСпА билан оғриган 100 нафар беморларнинг текширув натижалари ташкил этди. Назорат гуруҳига шу ёшдаги, ревматологик анамнезга эга бўлмаган, 30 нафар соғлом кўнгиллилар олинди. Тадқиқот иши 2022 йилдан 2025 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳар Ибн Сино номли шаҳар 1-сон клиник шифохонасида ўтказилди. Ушбу даврда беморларнинг ўртача ёши $34,98 \pm 8,6$ (18 дан 70 ёшгача) бўлди. Кузатув гуруҳидаги беморларда касаллик давомийлиги 1 ойдан 25 йилгача, ўртача $7,2 \pm 3,8$ йилни ташкил қилди.

Кузатувдаги беморлардан оғриққа 100-миллиметрли визуал аналогли шкала (ВАШ) ёрдамида баҳо берилди, касалликнинг фаоллиги BASDAI ва ASDAS шкалалари ёрдамида аниқланди, оғриқли энтезисларни баҳолаш MASES шкаласи ёрдамида ўтказилди, беморлар функционал фаоллиги эса BASFI индекси ёрдамида баҳоланди, BASMI метрологик индексдан умуртқа ва чаноқ-сон бўғими ҳаракатчанлигини объектив баҳолашда фойдаланилди. Беморларнинг барчасида умуртқа поғонаси ремоделланишини аниқлаш мақсадида умуртқа поғонаси обзорли рентгенологик тасвири олинди ва/ёки МРТ/МСКТ ўтказилди, улар асосида mSASSS ва BASRI-spine шкалалари ўрганилди.


Кенгайтирилган клиник-иммунологик тадқиқотлардан яллиғланиш олди цитокинлари бўлган интерлейкин-17А, 7-тур суяк морфогенетик оксиди, суяк-бўғим метаболизмининг маркери бўлган 2 тур коллаген С телопептиди концентрацияси иммунфермент текшируви усули ёрдамида аниқланди.

Барча беморларда ҳаёт сифатини баҳолаш мақсадида аксСпА билан касалланган беморлар учун махсус тайёрланган ASQol саволномаси бўйича сўровнома ўтказилди, даволаш динамикаси ASAS (ASAS20 ва ASAS40) мезонларига мувофиқ равишда фоиз нисбатида баҳоланди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Аксиал спондилоартрит билан касалланган беморларнинг клиник – лаборатор ва фенотипик-радиологик тавсифи”** деб аталиб, унда аксСпА билан касалланган 100 нафар беморларнинг клиник, биокимёвий ва функционал текширув натижалари таҳлил қилинган. Беморлар икки гуруҳга ажратилган: I гуруҳ – аксСпА билан касалланган касаллик фаоллиги юқори бўлган 52 нафар беморлар, II гуруҳ – аксСпА билан касалланган касаллик фаоллиги паст бўлган 48 нафар беморлар ташкил қилди. I гуруҳдаги беморларнинг

ўртача ёши $32,6 \pm 8,1$ йилни, II гуруҳ $35,9 \pm 9,4$ ёшни ташкил этди. Иккала гуруҳ беморларининг асосий шикоятлари эрталабки қарахлик бўлиб, у I гуруҳдагиларнинг 92,3%, II гуруҳдагиларни 37,5% кузатилди; белда оғрик I гуруҳда 82,6%, II гуруҳнинг 52,08% қайд этилди; бўғимлардаги шиш (касалликнинг периферик зараланиши кузатилганида) I -26,9% ҳамда II гуруҳнинг 18,7% беморларида кузатилди; ҳаракат чекланиши I – 52,3%, II –гуруҳнинг 30,2% беморларида аниқланди.

Касалликнинг фаоллик даражаси таҳлил қилинганда, ASDAS шкаласи бўйича I гуруҳда $4,1 \pm 0,49$ балл ва II гуруҳда $2,1 \pm 0,69$ баллни ташкил қилди. BASDAI бўйича ҳам I гуруҳда юқори фаоллик ($5,07 \pm 0,93$), ҳамда II гуруҳда паст фаоллик ($3,3 \pm 0,75$) аниқланди (1-расм).





1-расм. Тадқиқот гуруҳларида касаллик фаоллиги кўрсаткичлари

(Кўрсаткичларнинг ишонарли фарқи: * # $p < 0,05$ - I гуруҳ II гуруҳга нисбатан)

ASQoI саволномаси орқали АксСпА билан оғриган беморларда ўтказилган сўровномада қуйидаги натижалар кузатилди: I гуруҳда ҳаёт сифати (ХС) $11,2 \pm 2,7$, II гуруҳда $5,9 \pm 1,04$ бўлиб, солиштирилганда I гуруҳда яққол пасайганлиги аниқланди.

Ушбу боб иккинчи қисмида умуртқа поғонаси радиографик таҳлиллари натижасида аксиал спондилоартритда умуртқа поғонасида тузилмавий ўзгаришлар учраш частотаси ўрганилиб, умуртқани “хариталаш” усули таклиф қилинган. Бу усулда беморда нафақат спондилит, синдесмофитоз, суяк кўприкларининг ўсиши ва бирикиши ҳамда анкилоз, балки умуртқа бўғимлари ва пайларининг ҳолатига ҳам эътибор берилиши зарурлигини

инобатга олинishi таклиф қилинган. Олинган натижаларга кўра умуртқа зарарланишига кўра касалликнинг 7 хил фенотипик-радиографик (бўйин; кўкрак; бел; бўйин ва бел, бўйин ва кўкрак; бел ва кўкрак; умуртқани барча қисмлари яъни бўйин, кўкрак ва бел) кўринишлари ўрганилган.

Кўриниш номи ва умуртқа зарарланиш тури	МРТ тасвири
1-кўриниш Бўйин ва бел зарарланиши.	
2-кўриниш Бел зарарланиши	
3- кўриниш Бўйин зарарланиши	
4-кўриниш бўйин ва кўкрак	


5-кўриниш
Кўкрак зарарланиши



6 кўриниш
Кўкрак ва бел зарарланиши



7-кўриниш
бўйин, кўкрак ва бел




Диссертациянинг “Аксиал спондилоартритли беморларда умуртқа поғонаси тузилмавий шикастланишининг клиник-иммунологик тавсифи ва даво чораларини мувофиқлаштириш” номли тўртинчи бобда беморларда яллиғланиш олди цитокини интерлейкин - 17А, 2 тур коллаген С телопептиди, 7-тур суякнинг морфогенетик протеини ларнинг ўртача миқдорлари гуруҳлараро ва назорат гуруҳи билан солиштирилиб ўрганилган.

Қон зардобда ИЛ-17А концентрацияси I гуруҳда ($95,7 \pm 29,4$ пг/мл; $p < 0,001$), II гуруҳ ($34,3 \pm 13,6$ пг/мл; $p < 0,001\#$) беморлари ва назорат гуруҳига ($5,1 \pm 1,25$ пг/мл; $p < 0,001$) нисбатан ишонарли даражада юқори рақамлар қайд этилди. Бу эса касаллик фаоллиги ўрта ва паст бўлган ҳолатларда ҳам умуртқада зарарланиш интесивлиги паст даражада бўлса ҳам лекин давом этиши ҳақида далолат беради.

2 тур коллаген С телопептиди I гуруҳ беморларида $2,34$ нг/млни ($p < 0,001$), II гуруҳ беморларида $0,92$ нг/млни ва соғломларда $0,31$ нг/млни ташкил қилди. 2 тур коллаген С телопептиди I гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ишонарли даражада $7,5$ баробар ($p < 0,001$) ва II гуруҳга нисбатан $2,5$ баробар ($p < 0,05$) ошганлиги аниқланди.


Беморларда 7-тур суякнинг морфогенетик протеини миқдори ўрганилганда I гуруҳда $109,4 \pm 16,5$ пг/мл, II гуруҳда $62,1 \pm 5,8$ пг/мл; ($p < 0,001$) назорат гуруҳида $5,3 \pm 2,8$ пг/мл ($p < 0,001$) ташкил қилди. Тадқиқотда 7-тур суякнинг морфогенетик протеини миқдори ўрганилганда I гуруҳда назорат гуруҳига қараганда 20 баробар ошганлиги ва II гуруҳга нисбатан 12 баробар ошганлиги аниқланди. Бу эса касаллик фаоллиги юқори бўлиши фонида 7-тур суякнинг морфогенетик протеини кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши суякланиш жараёнини авжланишига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида далолат беради.



2-расм. Тадқиқот гуруҳларида BMP-7 концентрацияси


Изоҳ: $p < 0,05$: # - I ва II гуруҳлар ўртасида; * - I гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида, \$- II гуруҳ ва назорат гуруҳи ўртасида

7-тур суякнинг морфогенетик протеини ни умуртқа поғонасидаги ремоделланиш жараёнига таъсирини ўрганиш мақсадида умуртқада босқичма-босқич ўзгаришлар юз беришида маркернинг даражасини ўрганиб чиқдик. Касаллик илк даврларида умуртқада яллиғланиш яъни остейт ривожланганда 7-тур суякнинг морфогенетик протеини нинг ўртача даражаси $63,1 \pm 5,4$ нг/мл ни ташкил қилган бўлса, синдесмофит шаклланган даврда ишонарли даражада жуда юқори ($p < 0.05$) миқдорда бўлиши ($150,6 \pm 11,5$ нг/мл), “суяк кўприклари” шаклланаётган беморларда унинг миқдори камайиши ($82,8 \pm 7,3$ нг/мл) ва анкилоз шаклланган беморларда унинг миқдори ($38,5$ нг/мл) кескин камайиши аниқланди, яъни касаллик ривожланган даврда бу маркернинг энг юқори концентрацияси кузатилди ва вақт ўтиши кечки босқичида анкилоз шаклланганга унинг миқдорининг қонда пасайиши кузатилди. Бу маълумотлар 7-тур суякнинг морфогенетик протеини юқори фаоллиги фонида суякларнинг авжланиши ва тўлиқ анкилоз шаклланганда эса унинг аксинча фаоллиги камайиши ҳақида далолат беради (3-расм).



3-расм. Аксиал спондилоартритда ВМР-7 миқдорининг умуртқа ремоделланишига кўра ўзгариши


АксСпАда умуртқа поғонаси турли қисмлари зарарланиши устунлиги бўйича ВМР-7 миқдори таҳлил қилинди. 4-расмда кўриниб турганидек, 7-тур суякнинг морфогенетик протеини нинг даражаси аксСпА беморларда энг юқори даражада яққаланган бўйин зарарланишида кузатилди ($p < 0.05$) ва энг кам даражада яққаланган кўкрак зарарланишида кузатилди. Умуртқа яққаланган бўйин қисми зарарланишида ВМР-7 юқори даражада бўлиши аксарият беморларда айнан анкилоз энг кўп даражада шу қисмида кузатилиши билан тавсифланади ва аксинча кўкрак қисмда анкилоз ривожланиши камдан кам ҳолатда учраши ҳам 7-тур суякнинг морфогенетик протеини паст миқдорда бўлиши билан боғлиқ.



4-расм. Аксиал спондилоартритли беморларда умуртқа поғонасининг турли фенотипик зарарланишларида ВМР-7 даражасини ўзгариши

Изоҳ: * $p < 0.05$: умуртқа кўкрак қисми зарарланишига нисбатан

Биомаркерларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи кўп омилли математик анализ орқали, 7-тур суякнинг морфогенетик протеини ни касаллик фаоллиги, ASDAS, BASRI-spine, mSASSS, каби белгилар билан кучли мусбат корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. 7-тур суякнинг морфогенетик протеини юқори фаоллиги натижасида умуртқа поғонасида суякланиш жараёни жадал кечиши ва анкилозланиш тез ривожланиши аниқланган (5-расм).



5-расм. Аксиал спондилоартрит клиник-функционал белгиларини тадқиқот гуруҳларида ВМР-7 билан корреляцион боғлиқлиги

Бобнинг иккинчи қисмида аксиал спондилоартритга чалинган беморларнинг даволаш натижалари баён қилинган. Беморлар бир қисми базис даво олган ва бир қисми базис давога қўшимча равишда ген инженер биологик препарат-секукинумаб схема бўйича қабул қилишган. Даволаш

фонида секукинумаб қабул қилган беморларда ВАШ , ASDAS, ASAS-20, ASAS-40 индекслари бўйича ижобий динамикага эришилганлиги кўрсатилган.



Илмий тадқиқот илмий маҳсулоти сифатида “Аксиал спондилоартритда умуртқа поғонаси ремоделланишининг тезлигини башоратлаш ва даво чораларини мувофиқлаштириш учун ЭХМ дастур” ишлаб чиқилди. Бу дастур ёрдамида 7-тур суякнинг морфогенетик протеини, интерлейкин- 17 ва 2 тур коллаген С телопептиди миқдори асосида умуртқа поғонаси структур ремоделланиш тезлигини прогнозлаш имконини яратади.

Дастур ревматологлар, оилавий поликлинаклар, қишлоқ оилавий поликлинаклари, қишлоқ врачлик пунктларидаги (ҚВП) оилавий шифокорлари учун мўлжалланган.

Тадқиқот натижаларини клиник амалиётга тадбиқ этилиши соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида аксиал спондилоартритни эрта аниқлаш имконини берди, самарали танлаб олинган усуллар ногиронликни эрта шаклланиши ва касаллик прогрессирланишини олдини олишга, меҳнат қобилиятини узок муддатга сақлаб қолишга, даволаш, текширув ва ташхислашга сарфланадиган пул ни тежашга, аксСпА билан касалланган беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берди.



**6-расм. Аксиал спондилоартритда умуртқа поғонаси
ремоделланишининг тезлигини башоратлаш ва даво чораларини
мувофиқлаштириш учун ЭХМ дастур**

ХУЛОСАЛАР

1. Аксиал спондилоартритга чалинган беморларда умуртқа поғонаси зарарланишига кўра 7 хил фенотипик гуруҳларга ажратилиши, ҳар бир гуруҳ ўзига хос касаллик кечишини башоратлаш имконини яратади. Изолирланган бўйин зарарланишли фенотип касалликни агрессив шакли ҳисобланиб, анкилоз хавфи энг юқори бўлади. Умуртқа поғонаси кўкрак қисми изолирланган шакли эса энг хавфсиз ҳисобланиб, ушбу шаклда минимал анкилозланиш хавфи бўлади.

2. Аксиал спондилоартритга чалинган беморларнинг қон зардобадаги 7-тур суякнинг морфогенетик протеини ва CartiLaps даражасининг юқори бўлиши касаллик эрта даврларида яққол бўлиб, аксинча касаллик кечки босқичларида умуртқа поғонасида анкилоз ривожланган бу кўрсаткичлар пасайиши билан кечади.

3. Аксиал спондилоартритли беморларда интерлейкин -17 нинг миқдори ортиб бориши негизида 7-тур суякнинг морфогенетик протеинининг кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши, умуртқадаги тузилмавий ўзгаришлар жадаллигига ва анкилоз ривожланишига олиб келиниши аниқланди

4. Аксиал спондилоартритли беморларда умуртқа поғонаси суяк-бўғим тузилмалари зарарланиши, қисқа муддат ичида рентгенологик ўзгаришларни авжланишида 7-тур суякнинг морфогенетик протеини, CartiLaps ва интерлейкин- 17ни ўрни аниқланиб, BASDAI ва ASDAS билан тўғри корреляцияси мавжудлиги ўрганилди.

5. Аксиал спондилоартритли беморларда базисли антиревматик терапия билан бир қаторда интерлейкин-17 ингибиторлари- секукинумабни қўллаш орқали турғун клиник ремиссияга (ASAS-20 ва ASAS-40, ASDAS) эришиш ва умуртқанинг функционал имкониятларини яхшилаш мумкин. Шу билан бир қаторда, улар ҳаёт сифати, хусусан, саломатликнинг ижтимоий, жисмоний ва психологик жиҳатлари динамикасига ижобий таъсир кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

РИХСИЕВА ЛОБАРХОН МАХМУДЖАНОВНА

**КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ
РЕМОДЕЛИРОВАНИЯ ПОЗВОНОЧНИКА ПРИ АКСИАЛЬНЫМ
СПОНДИЛОАРТРИТЕ**

14.00.05 – Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за №B2023.4.DSc/Tib.4052.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Абдурахманова Наргиза Мирза-Бахтиярхоновна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Шодиккулова Гуландон Зикрияевна доктор медицинских наук, профессор Алиахунова Мавжуда Юсуповна доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2025 г. в _____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2025 год.

(Протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2025 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Аутоиммунные заболевания опорно-двигательного аппарата относятся к числу заболеваний, проявляющихся длительным суставным синдромом и приводящих к ранней инвалидности. По данным Европейской антиревматической лиги (EULAR), «аксиальный спондилоартрит (аксСпА) встречается у 0,1–1,5% взрослого населения во всем мире, составляя до 5% всех заболеваний суставов, с ежегодной заболеваемостью 7–14 новых случаев на 100 000 населения¹». Заболевание часто проявляется в молодом возрасте, а его медико-социальная значимость особенно актуальна в связи с ранним развитием инвалидности и серьезным влиянием на качество жизни пациентов в результате утраты ими трудоспособности, что делает его важной медицинской проблемой, требующей решения.

В настоящее время во всем мире проводится ряд научных исследований, направленных на изучение патогенетических, клинических и иммунологических особенностей аксСпА, улучшение ранней диагностики заболевания, совершенствование лечебно-профилактических мероприятий. В частности, изучается значение оси интерлейкин 17/23 в патогенетическом развитии аксСпА, изучается высокая эффективность селективных ингибиторов интерлейкина-17 в лечении заболевания, совершенствуются мероприятия, направленные на профилактику анкилоза позвоночника.

На сегодняшний день в нашей стране предпринимаются масштабные комплексные меры, направленные на коренное улучшение качества оказываемой медицинской помощи и уделение внимания здоровью населения. В этом отношении поставлены задачи по «...повышению эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, поддержке здорового образа жизни, предотвращение заболеваний, формирование системы медицинской стандартизации и создание высокотехнологичных моделей диагностики и лечения...»². Осуществление этих задач, наряду с повышением уровня медицинской помощи, диспансеризации и системы патронажа, оказываемой семейными врачами и ревматологами, также позволит выявить на ранних стадиях аксиальный спондилоартрит, добиться эффективного лечения заболевания и предотвратить раннюю инвалидизацию среди молодого населения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указами Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», от 12 ноября 2020 года ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», от 25 мая 2021 года

¹ Jeffrey R. Curtis et al. The Annual Diagnostic Prevalence of Ankylosing Spondylitis and Axial Spondyloarthritis in the United States Using Medicare and MarketScan Databases. ACR Open Rheumatol. 2021 Nov; 3(11): 743–752.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан»

ПП-5124 «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения», от 28 июля 2021 года №ПП 5199 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы оказания специализированной медицинской помощи в сфере здравоохранения”, а также выполнение настоящего диссертационного исследования в определенной мере служит реализации задач, определенных в других нормативных правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы.

В последние годы в развитых странах мира проведен ряд исследований, посвященных изучению аксСпА. К настоящему времени сформированы определенные научные представления о патогенетических механизмах аксСпА в мире: изучены ассоциации генов ERAP1, IL-23R, RUNX3 в патогенезе заболевания (В. Paul Wordsworth, 2021); изучены эпигенетические изменения, влияющие на активность иммунных генов при аксиальном спондилоартрите, т.е. влияние метилирования ДНК на экспрессию микроРНК (Min Xiao, 2022); изучена роль некоторых кишечных бактерий и дисбактериоза кишечника в развитии и происхождении аксиального спондилоартрита (Zi-Yi Song, 2022), а также установлена высокая эффективность современных лекарственных средств – генно-инженерных биологических препаратов в снижении активности заболевания, в частности, в замедлении процесса развития анкилозирования позвоночника (S. Ramiro, 2023).

В последние годы в Узбекистане проводятся ряд научных работ, посвященных изучению аксСпА. Они в основном сосредоточены на клинических, иммуногенетических или сердечно-сосудистых нарушениях при аксСпА. В этих работах, в частности, рассмотрены клиничко-иммунологические изменения у больных анкилозирующим спондилитом, перенесших COVID-19, с разработкой ранней диагностики, профилактических мер и оптимизацией лечения заболевания (Н.М. Абдурахманова, 2022), особенностями эндотелиальной дисфункции у больных анкилозирующим спондилитом, перенесших COVID-19 (Рахимова М.Б., 2023); изучена роль клиничко-иммуногенетических показателей в рентгенологическом развитии анкилозирующего спондилита (Саидрасулова Г.Б., 2024); изучены состояние минеральной плотности костной ткани при аксиальном спондилоартрите и принципы выбора таргетной терапии (Мухаммадиева С.М., 2024); изучены распределение полиморфизмов генов IL17A, IL18 при реактивном артрите, ассоциированном со спондилоартритом (Халметова Ф.И., 2024) и др. и другие.

Однако, данные, приведенных выше научных литературных источников подтверждают, что клиничко-патогенетические особенности структурных

изменений позвоночника, а также клинико-рентгенологическая классификация ремоделирования позвоночника у больных аксиальным спондилоартритом изучены недостаточно. Учитывая, что анкилозирование позвоночника при аксСпа приводит к снижению качества жизни, стойкой инвалидизации и утрате работоспособности преимущественно у молодого и трудоспособного населения, имеет важное практическое значение в раннем выявлении и своевременном лечении данного заболевания.

